O'ZBEKISTON RESPUBLIKA MILLIY

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 28 май сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 112 (2940)

## Ҳурматли Ҳофиз Оллоназаров!

*Сизга халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви — "Танбур чизиғи" қўлёзмасини тақдим этганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.*

*Мана шундай бебаҳо асарни кўп йиллар давомида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгани учун Сизнинг ота-боболарингизга, оила аъзоларингизга мамлакатимиз мусиқа жамоатчилиги номидан, ўз номимдан ташаккур айтиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман. Бу, ўз навбатида, аждодларимизнинг маърифатни, санъат ва маданиятни нечоғли юксак қадрлаганидан, доимо эзгуликка интилиб яшаганидан далолат беради.*

*Бой ва бетакрор мусиқа санъатимиз тарихининг ёдгорлиги бўлган бу нодир қўлёзма Ўзбекистон Давлат консерваториясининг мусиқа музейида сақланишини маъқул деб биламан. Бу ноёб асар миллий мусиқамиз асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айни пайтда мумтоз ўзбек санъатининг барча ихлосмандлари учун фахр-ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиздир.*

*Сизга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этар эканман, хонадонингизга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман.*

*Доимо соғ-саломат бўлинг.*

*Эҳтиром билан,*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## «УНИВЕРСИАДА - 2002» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

*Азиз ўғил-қизларим!*

*Сизларнинг барчангизни қадимий Бухоро шаҳрида бунёд этилган мана шу замонавий ва муҳташам спорт мажмуида Ўзбекистон талаба ёшларининг "Универсиада - 2002" мусобақаларининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.*

*Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу универсиада наинки унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган муҳим бир воқеадир.*

*Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларимизга беқиёс орзу-умидлар билан қараймиз.*

*Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа — нафақат маънавий етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор.*

*Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур.*

*Шу маънода, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат яхлит тизимнинг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг яққол намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Бу тизимнинг юқори босқичи бўлган универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.*

*Мана шу унутилмас дақиқаларда сиз — бутун борлиғидан куч-ғайрат ёғилиб турган соғлом ва навқирон ёшларимизнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, ушбу муаззам, замонавий стадионда сизларнинг минг-минглаб тенгдошларингизни, сизларга катта ҳавас ва умид билан қараётган барча ўғил-қизларимизни кўргандек бўламан ва бундан кўпчилик қатори менинг ҳам юрагим қувонч ва ғурурга тўлишини изҳор этмоқчиман.*

*Эртанги умидимиз, ифтихоримиз бўлган сиз каби ёшларни вояга етказган ота-оналарингизга, ҳаётга йўлланма бераётган устоз-мураббийларингизга самимий миннатдорлик билдираман.*

*Ва сизларга қарата яна шуни айтмоқчиманки, бугун ҳаётга қадам қўяр экансиз, белни қаттиқ боғлаб, кураш майдонига чиқаётган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.*

*Шуни унутмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроғи мўътабар Ватанингиз, бағрикенг, матонат ва қудрат соҳиби бўлмиш халқингиз бор.*

*Азиз фарзандларим!*

*Ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — универсиада мусобақалари юксак сафарбарлик, соғлом рақобат, ҳалол курашчанлик руҳида ўтади, деб ишонаман.*

*Умид қиламанки, бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади.*

*Сиз, универсиада қатнашчиларига баланд руҳ, азму шижоат, қатъиятлик, шу билан бирга, бағрикенглик ва мардлик, ҳақиқий спортчиларга хос хусусият ва фазилатлар доимо ёр бўлишини истаб қоламан.*

*Сизларга сиҳат-саломатлик, ҳаётдан кутаётган барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**





## ДУРДОНА

Жаҳон аҳли тобора кенг эътироф этаётган миллий мусиқа санъатимизнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Маълумотларга қараганда, оҳангларни қоғозга туширишга илк бор бир неча асрлар аввал киришилган. Хоразмда оҳангларни қоғозга тушириш борасида катта ишлар қилингани маълум. Муҳаммад Раҳимхон Феруз кўрсатмасига биноан Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган нота ёзуви асосидаги "Танбур чизиғи" Хоразм уста созандалари иштирокида мусиқий ва шеърий матнлари ёзилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Искандар Ёқуб ўғли Хоразмнинг машҳур ҳофизларидан бўлиши билан бирга миллий санъатимиз, маданиятимиз тарихига оид ноёб қўлёзмаларга, хусусан, "Танбур чизиғи"нинг мукаммал ва антиқа намунасига эга эди. Йиллар ўтгач, ушбу бебаҳо асар аввал унинг фарзандлари — Жуманиёз ва Оминага, сўнг невараси Ҳофиз Оллоназаровга мерос бўлиб қолади.

(Давоми 2-бетда).

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Жиззах вилояти ҳокимлигида ғўза парваришини кучайтириш ҳамда 2002 йилги ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга тайёргарликнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги тизими ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Жиззахлик деҳқонлар бу йил 105,5 минг гектар майдонга пахтанинг серҳосил, вилоят тупроқ-иқлим шароитига мос навларини экишган. Жумладан, 11 минг гектар майдонда чигит плёнка остида парвариш қилинмоқда. Айни кунларда бир текис униб чиққан ниҳолларга агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ишлов берилмоқда. Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманларида ғўзани культивация қилиш, яганалаш, бегона ўтдан тозалаш ҳамда ҳашаротларга қарши кураш ишлари яхши ташкил этилган.

Бироқ бир қатор туманларда ғўзани культивация қилиш ишлари асоссиз равишда кечиктириб юборилмоқда. Натижада вилоят ялпи пахта майдонининг 45 фоизидаги ёш ниҳоллар бегона ўт исканжасида қолган. Зомин, Зарбдор, Арнасой, Зафаробод туманларида аҳвол ташвишланарли. Қатқалоқ босган майдонларни юмшатиш, яганалаш, зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ишларини ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Жорий йилда вилоят ғаллазорларида мўл ҳосил пишиб етилмоқда.

111 минг гектар суғориладиган, 68 минг гектар лалми майдонлардаги ғалланинг аксарият қисмида бошоқлар етилиб қолди. Аммо баҳорнинг серёғин келиши оқибатида пишиб етилаётган ғаллазорларда бегона ўт тез ривожланмоқда.

Йиғилишда вилоят пахтачилиги ва ғаллачилигида юзага келган камчиликларни бартараф этиш, деҳқонлар мушкулини осон қилиш юзасидан фикр алмашилди. Мутахассислар ва тажрибали деҳқонларнинг тавсиялари муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## «Бойсун баҳори»

25-26 май кунлари Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали бўлиб ўтди. «Алпомиш» ўйингоҳидаги тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фестиваль қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. 10 га яқин хорижий мамлакатлардан, жумладан, Англия, Япония, Франция ва Россиядан келган санъатшунос — фольклоршунослар, тарихчилар, либос дизайнерлари иштирок этган катта санъат анжумани, айтиш мумкинки, маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди...



## ОҲАНГЛАРНИНГ ДИЙДОРЛАШУВИ

Денгиз сатҳидан 3000-3400 метр баландликда жойлашган Бойсун кўл тегизишингиз билан жаранглаб кетадиган чилдирмага, торлари баланд пардаларга жойланган дўмбирага ўхшайди. Тупроқлари покиза, зумрад шабадалари ўйноқи, тоғу дала-даштлари қиёссиз бу заминга қадам қўйишингиз билан «Бойсун», «Шалола», «Қуралай» дасталарининг қўшиқлари кутиб олади Сизни. Бойсунликлар ўз юртларини ҳамиша қўшиқлар бешигида аллалаб, рақслар тўлқинида тебратиб, улуғлаб-эъзозлаб келганлар. Бойсунда кексаю ёш—ҳамманинг санъатга, ҳунармандчилик, каштачилик санъатига, адабиётга шайдолиги шундан. Қарийб 5 минг квадрат километр кенгликларда ястаниб ётган бу юрт кўз олдимизда яхлит дилрабо қўшиқ бўлиб гавдаланади. Сайёралар, Феруза, Гулшод, Азимжон, Хайруллалар, Муҳаммади бобо, Беғам момолар ҳамма бу ерда қўшиқ айтади. Эшитганлар бу қўшиқларга қўшилиб кетадилар...

Соҳир Бойсун дунё жамоатчилигининг эътиборини тортди — ўтган йили ЮНЕСКО томонидан инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси сифатида эътироф этилди. Бу жаҳондаги шундай нуфузга сазовор бўлган манзиллар ичра ўн тўққизинчисидир.

Фестиваль ўтказилган кунлари, табиатнинг саховатини, марҳаматини кўрингки, Бойсунда чинакамига баҳор ҳукм сурди. Жавзо кирганига қарамасдан қир-адирлар меҳмонлар пойига лола-қизғалдоқлардан поёндозлар тўшаб қўйди. Тўққиз минг уйли Бойсуннинг ҳар бир хонадони катта тўй шукуҳига пайваста бўлди.

Фестиваль кунлари Бойсун осмони яна бир карра куй-оҳанг, қўшиқ-қувноқликларга тўлди. Хоразмнинг «Оразибон», Самарқанднинг «Чоғли», Тожикистоннинг «Ганжина», Жиззахнинг «Гаштак», Сариосиёнинг «Анор» фольклор этнографик дасталари чиқишларига қўшилиб мудроқ тоғлар рақсларга тушиб кетдилар. Саодат Жуманиёзова ҳамда Отабек Рўзметовлар ижро этган «Лазги» рақсини кўриб аҳли Бойсун уларга жўр бўлди. Ўзбекистон халқ бахшилари — бойсунлик Шоберди Болтаев, хивалик Абдулла Қурбонназаров, шовотлик Қаландар Норматовларнинг қўшиқлари томошабинлар кўнглига сел бўлиб қуйилди. Бишкекдан келган Ирисбой ва Қамчибек Жунушовлар қўбизларини чертган маҳали яйловларда ўйноқлаб юрган тулпорлар кишнаб юбордилар.

— Бундай дилбар томошани мен, тўғриси, биринчи бор кўришим, — дейди Суел шаҳридан келган санъат профессори Ох Сунг — Квон жаноблари. — Фольклор, қадимий либослар кемтилмасдан, бузилмасдан сақланиб қолганини мен шу ерда кўрдим. Шу жиҳатдан Бойсун Осиёдаги энг пешқадам маскан. Сибизиқ, чанқовуз, дўмбира оҳанглари, о, чинакам мўъжиза!

— Анъаналаримизни ўтмиш, ўтиб келган нарса деб айтмаслигимиз керак, — дейди москвалик санъатшунос профессор М.А.Некрасова. — Анъаналар — бугунги кунимизнинг кўрки, мазмуни, жозибаси. Ҳар бир бойсунликнинг қалбида мен қуёшни кўргандай бўлдим. Қуёш билан, қўшиқ билан яшаётган одамларни кўрдим. Қуёш ва қўшиқ — абадийдир.

— Фестиваль анъанага айланмоғи керак, — дейди Лондон дорилфунунининг мусиқашунос доктори Розия Султонова. — Мусиқа — халқ қалбининг кўзгуси, таржимонсиз, изоҳларсиз тушуниб бўладиган хазина. Мусиқа дунё саҳнида рақс тушиб (яшаб) турган инсонларнинг дўстлик — одамгарчилик фазилатларига қувват бўлади.

Фестиваль иштирокчиларига — фольклор дасталарига, бахшиларга, анъанавий мусиқа ижрочиларига, либос дизайнерларига эсдалик совғалари, мукофотлар топширилди. Хайрмаъзур гаплар айтилди. Лекин фестиваль саҳнасидан ҳеч ким тушгиси келмасди. Тоғ ён бағридаги чекка ва узоқ Бойсун жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликнинг, катта санъат ва маънавиятнинг саҳнасига айланган эди. Дийдорлашувнинг, қўшма ва қувноқ рақсларнинг, дилкаш гурунгларнинг сарҳад-адоғи кўринмасди. Кўринмайди ҳам. Бойсун эзгулик ва гўзалликнинг ноёб, дурдона қўшиғи бўлиб янграб тураверади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири Озод РАЖАБОВ Бухородан хабар қилади



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади — халқимизга муносиб турмуш шароити, нурли эртасини яратишдан иборат. Яъни, ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти, фарзандларининг камоли учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу ният мужассамдир.

Бу ўзгаришларнинг устувор хусусияти эса халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятидир. Жаҳон аҳли глобаллашув аталмиш жараённи бошдан кечираётган бир пайтда ана шу бунёдкорлик салоҳиятини тўла юзага чиқариш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу маънода юртимизда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Универсиада» спорт ўйинларининг ҳам ўзига хос ва мос, таъбир жоиз бўлса, бошқа турдош тадбирлар билан алмаштириб бўлмайдиган муҳим ўрни бор. Бу ўйинлар нафақат ёшларни эзгулик ва гўзалликка, шижоат ва мардликка, дўстлик ва биродарликка ундайди, балки яна бир бор халқнинг бунёдкорлигини, юртни обод кўриш истагини намоён қилади.

Бухорода ўтказилаётган «Универсиада-2002» спорт мусобақалари шарофати билан ўз қулайликлари ва замонавий коммуникацияси жиҳатидан яқин ўртада тенги йўқ стадионнинг қад ростлаши фикримизнинг тасдиғидир. Куни кеча 25 минг томошабинга мўлжалланган ана шу муаззам ва муҳташам кошонада талаба ёшлар беллашувларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кеч соат 20:00. Шунда стадионнинг тўрт бурчагидаги тўртта минорага ўрнатилган минглаб чироқлар тунни қуёшли кундузга айлантирди. Кишилар кўз ўнгида бунёдкорлик қудратининг меваси юз кўрсатди. Миноралар тепасида мағрур ҳилпираётган Ўзбекистон байроғи эса эртанги салоҳиятимиз, улуғвор ютуқларимиздан сўзлаётгандек.

Бухоро вилояти ҳокими Самойдин Ҳусенов тантанали маросимни очар экан, барча меҳмонларни ушбу спорт ва гўзаллик байрами билан чин дилдан қутлади. Ва «Универсиада-2002» иштирокчиларига мурожаат қилиб, мазкур кошонани Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг навқирон авлодга аталган совғаси сифатида қабул қилишни сўради. Ёшларнинг ҳаяжонли, бардавом олқишлари Юртбоши туҳфасига самимий миннатдорликдан дарак берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада-2002» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ўқиб эшиттирди. Қутловнинг «Азиз ўғил-қизларим!» деган самимий сўзлар билан бошланиши нафақат қатнашчи талабаларни, балки томошабин сифатида тўпланган минглаб юртдошларимизни ҳам ҳаяжонга солди.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТГАН КОРХОНА

Истеъмолчилар орасида "Қувасойцемент" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бундан 70 йил бурун фақат цемент ишлаб чиқариш учун ташкил этилган улкан корхона мустақиллик йилларида том маънода янги ҳаёт сари қадам қўйди. Бугунги кунда у маҳсулот турлари ва сифатига кўра жаҳон бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга.

Мулкчиликнинг янги шаклида иш юритаётган корхонада ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Корхона ишчиларининг юксак касб маҳоратидан далолат берувчи сифатли маҳсулотлар бир қанча нуфузли халқаро кўргазма ва танловларда совриндор бўлди. "Сифат бўйича жаҳон совринй" олий мукофоти ҳамда юқори сифатли маҳсулоти, халқаро бизнесга қўшган ҳиссаси ва юқори малакаси учун "Сифат учун олтин юлдуз" халқаро мукофоти шулар жумласидан. Ўтган йили "Маркетингни олий даражада ўзлаштиргани учун" олий совринига лойиқ деб топилган эди, бу йил эса Германиянинг Франкфурт шаҳрида "Европага йўл" халқаро олтин мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Илгарилари фақат четдан келтирилган хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқарилган корхонада бугун маҳаллий хомашё ҳисобига сифатли маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарғона туманининг Лоғон кишлоғидаги оҳак тош кони ўзлаштирилди.

(Давоми 2-бетда).





## АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

**Шу йил 7 июнь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

**Агар Сизни мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг шу борадаги қарори қандай бажарилаётганлиги қизиқтирса, умуман ижтимоий ҳимоя бўйича шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:**

**(8-371) 139-41-13, 139-41-24.**

**Мабодо вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 132-10-65 рақамли телефон орқали баён этишингиз мумкин.**

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 28 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 405,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1061,05 |
| 1 Дания кронаси | 90,19 |
| 1 БАА дирҳами | 198,23 |
| 1 АҚШ доллари | 728,09 |
| 1 Миср фунти | 157,60 |
| 1 Исландия кронаси | 7,91 |
| 1 Канада доллари | 474,85 |
| 1 Хитой юани | 87,97 |
| 1 Малайзия ринггити | 191,60 |
| 1 Польша злотийси | 178,72 |
| 1 СДР | 931,54 |
| 1000 Туркия лираси | 0,52 |
| 1 Швейцария франки | 460,82 |
| 1 ЕВРО | 670,57 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,93 |
| 10 Япония иенаси | 58,36 |
| 1 Россия рубли | 23,27 |
| 1 Украина гривнаси | 136,63 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

